Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 13 апрель 1968 йил, шанба ◆ № 87 (13.949). Баҳоси 2 тийин.

ЧИГИТ ЭКИШ ҚИЗҒИН

ОҚҚУРҒОН далаларида ҳаёт қайнайди. Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳам шундай. Социалистик мусобақада звено бошлиғи Орнф Маметов олдинда бормоқда. У ҳар куни 11—12 гектар ерга чигит экиб, ҳаммага ўрнак бўляпти. Суратларда: О. Маметовни ва далага чигит экиш пайтини кўриб турибсиз.

А. ТЎРАЕВ фотолари.



АМУ СОҲИЛИДА ЭКИШ ПАЛЛАСИ

Машъал Хоразм области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан олган ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети маъқуллаган юксак мажбуриятларни адо этиш йўлида қизғин курашмоқдалар. Бу йил Аму соҳилларида наврўзи олам анча барвақт бошланди.

Область хўжаликлари кўкламги экишга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрдилар. Чигит экиш ўтган йилдагидан анча олдин бошланди. Янгиариқ районидаги Аваз Ўтар номли колхоз биринчи бўлиб экишга киришди. Колхознинг Болтабой Қурбонов бошлиқ бригадаси экиш планининг бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Урганч районидаги Ленин номли, Ҳазорасп районидаги «Ленинград» колхозлари ва бошқа қатор хўжаликлар чигит экишда олдинда бормоқдалар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

1968 йил 9-10 апрелда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум «Халқаро аҳволнинг актуал проблемалари ва КПССнинг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун кураши тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладини муҳокама қилди. Пленум бир овоздан қарор қабул қилиб, бу қарорда МАРКАЗИЙ КОМИТЕТ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ ХАЛҚАРО СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ ВА ЖАҲОН КОММУНИСТИК ҲАРАКАТИДАГИ СИЁСИЙ ИШЛАРИ ВА АМАЛИЙ фаолиятини бутунича ва тўла-тўкис маъқуллади.

Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг ҳамда партиямизнинг халқаро коммунистик ҳаракатдаги фаолиятига доир энг муҳим масалаларни систематик равишда кўриб чиқмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг кун-кеча ўз ишини тамомлаган Пленуми шуни қайд қилиб ўтдики, халқаро вазият, революцион ҳаракатнинг ривожланиши тўғрисида КПСС XXIII съездида, Марказий Комитетнинг 1966 йил декабрь ва 1967 йил июнь Пленумларида, Октябрь революцияси нинг 50 йиллиги тўғрисидаги докладда берилган умумий анализни шу ҳужжатларда чиқарилган хулосаларни шундан кейинги рўй берган воқеаларнинг бутун бориши исботлаб бермоқда. КПСС XXIII съездидан кейин ўтган давр ичида партия ишлаб чиққан йўл изчиллик билан амалга оширилаётганлиги туфайли мамлакатимизнинг ташқи сиёсий мавқеи тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди; Совет давлатининг ўсиб бораётган қудрати ва обрўйи тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатларига, империализмнинг агрессив сиёсати пайини қирқиш учун олиб борилаётган нурашга тобора активроқ хизмат қилмоқда, халқаро коммунистик ҳаракатни жипслаштириш учун курашда қардош партиялар билан яқиндан ҳамкорлик қилиниб, муҳим натижага эришилди.

Мана шу муваффақиятларни бизнинг ленинчи партиямиз ва совет халқи тинчлик учун, империализмга қарши, социалистик мамлакатларни, халқаро коммунистик ҳаракатни, ҳозирги даврнинг барча революцион кучларини жипслаштириш учун курашдан иборат бош йўлимизни изчиллик билан амалга ошираётган КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг синалган раҳбарлиги остида қўлга киритди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Будапештда (1968 йил февраль—март) бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви қардош партиялар ўртасидаги интернационал алоқаларни активлаштиришда катта воқеа бўлди ва у коммунистик ҳаракат сафларини жипслаштириш тенденциясини мустаҳкамлади. Қардош партияларнинг 1960 йилги Кенгашидан кейин бу Маслаҳат учрашуви коммунистларнинг энг ваколатли халқаро конференцияси бўлди.

Будапештдаги учрашувда коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгашини 1968 йил ноябрь—декабрда Москвада чақириш ва унга тайёргарлик кўриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу кенгашда битта масалани: империализмга қарши курашнинг ҳозирги босқичдаги вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар, барча антиимпериалистик кучлар ҳаракатларининг бирлиги масаласини кўйиш таклиф қилинди.

Пленум коммунистик ва ишчи партияларнинг Кенгашини тайёрлаш ва ўтказиш жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун курашнинг энг яқин даврдаги асосий бўғини бўлади, деб ҳисоблаб, Сиёсий бюрога Будапешт учрашуви Ахборотида ёзиб кўйилган нелишилган позициялар асосида қардош партиялар билан яқин алоқада бўлиб, янги халқаро Кенгашнинг муваффақияти учун бутун куч-ғайратни сарфлашни топширди.

Совет коммунистлари шу нарсага ғоят аминдирларки, қардош партияларнинг бўлажак халқаро Кенгаши коммунистик ҳаракатни ишчилар синфининг пировард мақсадлари учун курашдаги янги тарихий маррага олиб чиқиши лозим.

Варшава шартномаси Сиёсий Маслаҳат Комитетининг шу йил 6—7 мартда Софияда бўлиб ўтган кенгаши кўп мамлакатлар жамоатчилиги ва ҳукуматларининг диққат ва эътиборини ўзига тортган кейинги вақтдаги зўр ташқи сиёсий воқеаларнинг бири бўлди. Шу мажлисда «Американинг Вьетнамдаги агрессияси кенгайтирилганлиги натижасида тинчлик учун вужудга келган хавф тўғрисда Декларация» қабул қилинди. Бу ҳужжат Америка агрессорларини яна бир марта жиддий огоҳлантирувчи ва социалистик мамлакатларнинг курашаётган Вьетнам билан интернационал бирдамлигини, Варшава Шартномаси мамлакатлари Вьетнамнинг ҳақрамонона курашига бутун зарур ёрдамни бериб туришга қаттиқ бел боғлаганликларини ифодаловчи ҳужжатдир. Марказий Комитет Пленуми шуни таъкидладики, қардош Вьетнам Демократик Республикасига, Вьетнам халқига берилаётган атрофлича ёрдам Сиёсий Маслаҳат Комитетининг Софиядаги кенгашида партиямиз ва ҳукуматимиз вакиллари Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа мамлакатларнинг ва қардош партияларнинг делегациялари билан биргаликда айтганларига мувофиқ давом эттирилиши лозим ва давом эттирилажак.

Сиёсий Маслаҳат Комитети кенгашида муҳокама қилинган яна бир масала, у ҳам бўлса ядро қуролини тарқатмаслик масаласи бўлди. Партиямиз ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага нисбатан Европадаги олти социалистик мамлакатнинг қардош партиялари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган позицияга катта аҳамият бераётир. Шу шартномани тезроқ тузиш жаҳондаги барча халқларнинг, барча социалистик давлатларнинг манфаатларига ва хавфсизлигига хизмат қилади.

Пленум Сиёсий Маслаҳат Комитетининг Софиядаги кенгашида қатнашган СССР делегациясининг фаолиятини юксак баҳолаб, маъқуллади ва шу кенгаш қабул қилган қарорларни табриклади.

Пленум қардош социалистик мамлакатлар билан алоқаларни янада ривожлантириш борасида Сиёсий бюронинг актив ва ҳар томонлама қилаётган ишларини тўла равишда маъқуллади. Пленум олти социалистик мамлакат партиялари ва ҳукуматлари раҳбар арбобларининг Дрездендаги учрашуви ўз вақтида ўтказилган зарур ва фойдали учрашув бўлганлигини ҳамда унинг аҳамиятини алоҳида уқтириб ўтди. Учрашув қатнашчилари ўзларини қизиқтираётган халқаро проблемалар устида фикрлашиб олдилар ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг Софиядаги кенгашида баён қилинган позициялар бирлигини таъкидладилар. КПСС Марказий Комитети Пленуми социалистик ҳамдўстликни сиёсий, иқтисодий ва мудофаа жиҳатидан сира оғишмай мустаҳкамлаш учун зарур чораларнинг ҳамма сини кўришга партиямиз тайёр эканлигини яна бир марта таъкидлади.

АҚШ империализми қўллаб-қувватлаётган Исроил ҳукмрон доираларининг агрессив ҳаракатлари натижасида Яқин Шарқда сақланиб қолаётган аҳволнинг жиддийлигини Пленум қайд қилиб ўтди. Исроил қўшинларини ўзлари босиб олган араб территорияларидан дарҳол чиқартириб юбориш тўғрисидаги талабларни бажариш бу можарони сиёсий бартараф қилиш йўли билан Яқин Шарқдаги тангликни тугатишнинг асосий шартидир.

Совет Иттифоқи араб халқларининг ўз озодлиги, мустақиллиги, даҳлсизлиги ва территориал бутунлиги учун олиб бораётган одилона курашини қўллаб-қувватлаш позициясида турибди. Пленум Исроил агрессиясининг оқибатларини тугатиш, оккупация қилинган араб территорияларини озод қилиш, араб мамлакатларидаги прогрессив кучларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида Сиёсий бюро ва Совет ҳукумати ўтказаётган тадбирларни тўла равишда маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми Ғарбий Германиядаги реваншизмни ва милитаризмни фош қилиб ташлашга қаратилган сиёсатнинг тўғрилигини таъкидлади ҳамда социалистик мамлакатларни, бошқа тинчликсевар давлатларни ва барча антиимпериалистик кучларни Ғарбий Германия империализмига қарши кураш учун жипслаштириш йўлида КПСС билан қардош партияларнинг биргаликда қилаётган ишлари муҳимлигини уқтириб ўтди.

**Пленум шуни қайд қилдики, капитализм билан социализм ўртасида идеология кураши ниҳоят даражада кескинлашганлиги тарихий ривожланишнинг ҳозирги босқичи учун характерлидир. Шундай вақтлар бўлган эдики, ўшанда империализм жанг майдонларида социализмни қақшатишга ўзининг асосий эътиборини қаратган эди. Энди аҳвол бошқача. Энди империалистлар социализмнинг асосий кучлари билан бетма-бет келиб тўқнашишга ботина олмаётирлар. Бундай аҳвол социалистик ҳамдўстликнинг ва аввало Совет Иттифоқининг енгилмас мудофаа қудрати туфайли вужудга келди. Эндиликда антикоммунистик пропаганданинг жуда катта жамики аппарати социалистик мамлакатлар, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини заифлантириш, ҳозирги замонниг илғор кучлари орасига нифоқ солиш, социалистик жамиятимизга ичкаридан пуқ туриш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ўзгартириш, ҳаётимизнинг ҳамма ва ҳар бир соҳас

Суратда: илғор тўқувчилар Ҳабиба Сатторова билан Истам Шодиева ўртоқлар. Улар Бухоро трикотаж фабрикаси коллективининг меҳнат зафарларига муносиб ҳисса қўшиш учун интилиб, смена топшириқларини 130-140 процент бажараётирлар.

А. Тўраев фотоси.

ШАРҚ МАТЕМАТИКЛАРИ

Илмий меросимиз саҳифалари

Ўрта асрда яшаган ватандош олимларимиз ҳисоб ва ҳандаса соҳасида жуда буюк кашфиётлар қилишган.

Суҳбатдошимиз — Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти физика ва олий математика кафедрасининг бош ўқитувчиси Раҳматулла ака Ибодов қадимий Шарқ математикларининг жаҳон фани тараққиётига қўшган ҳиссасини тадқиқ қилаётган экан.

Маълумки, қадим ва ўрта аср Шарқ олимлари кўпроқ араб ва форс тилларида ижод этганлар. Улар ўзбек тилига таржима этилмаган ёки кам ўрганилган.

Раҳматулла ака Шарқ ҳисоби, ҳандасасига оид китоблар, қўлёзмалар билан кўпдан буён таниш эди. У кишини отаси 6 ёшидан бошлаб арабча мактабга топширди. Раҳматулла Ибодов 1926—1929 йилларда Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида ўқиди. У ерда математика илмида машҳур домла Азиздан таълим олди. Улуғбек мадрасасида ўқиш жараёнида математикага ихлоси ортди. Риёзиётга доир араб, форс ва турк тилларида ёзилган қўлёзмаларни қизиқиб ўқирди. Мадрасани тугатиб, рабфакда ўқир экан, физика математикадан Абдурашид Юсупов, Рафиқ Искандаров ўқиган лекцияларни ихлос билан тинглар эди.

Раҳматулла Ибодов етук математик бўлиб етишиш мақсадида 1933 йил Ўзбекистон давлат дорилфунунига ўқишга кирди ва 1938 йили физика-математика факультетининг математика бўлимини имтиёзли диплом билан тугатди. Олий математикани ўзлаштиришга яқиндан ёрдам берган марҳум профессорлар Г. П. Кузнецов, Мусо Мўминович Мўминов, Рафиқ Искандаровларнинг номларини Раҳматулла Ибодов зўр ифтихор билан тилга олади. Сўнг, 1938-1940 йилларда шу дорилфунуннинг олий математика кафедрасида ассистент бўлиб ишлади, 1940 йил у Қизил Армияга хизматга чақирилди ва Ватан уруши фронтларида иштирок этди. Ҳозир Ибодов Самарқанд қишлоқ хўжалик институти физика-математика кафедрасининг бош ўқитувчиси.

Яқинда у «Тригонометрик жадваллар тарихидан» деган илмий асарини ёзиб тугатди. Мазкур илмий ишнинг вужудга келиши осонлик билан бўлмади. У Бутлимус (Птолемей), Ақлидус (Евклид), ҳинд олими Хабашул Ҳасиб — 64—867—, туркман олими Марвазий (VIII-IX а). Хоразмий, (780-850), Қиёқўшиёр (971-1024), Абурайҳон Беруний (973-1048) Абулвафо (940-998), Умар Хайём (1048-1123), Насриддин Тусий (1201-1274) кабиларнинг риёзиёт ва ҳандаса илмига оид қўлёзмаларини ўрганди. Шуни эътироф этиш керакки, бирғина араб, форс тилларини билиш билан табиий фанларга доир мазкур асарларни мутолаа қилиш амри маҳолдир.

Бу ишда унга озарбайжонлик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор Ҳабибулло Жаъфар ўғли Мамедбейли яқиндан ёрдам берди: илми нужум (астрономия), риёзиёт фанларига доир араб, форс ва турк тилларидаги қўлёзмалардан фойдаланиш усулларини ўргатди. 1961 йилдан эътиборан эса у Раҳматулла Ибодов бошлаган илмий ишга раҳбарликни ўз зиммасига олди.

Маълумки, XII-XVII асрларда риёзиёт ва илми-нужум Ғарбий Европада ҳам тараққий этди. У ердаги олимларнинг табиий фанлар соҳасидаги кашфиётларини уларга замондош ўрта Осиё олимлари савиясига таққослаб ўрганиш лозим эди. Шу мақсадда Раҳматулла Ибодов француз ва инглиз тилларини ўрганди. Қунт ва чидам билан ўз устида ишлаши жараёнида у Регио Монтан, Симон Стевин, Николай Коперник каби олимларнинг қўлёзма асарларини ўрганди. Риёзиёт ва тригонометрик жадваллар тузилиши тарихини ўрганиш жараёнида Раҳматулла Ибодов жиддий илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлди.

Текис ва сферик тригонометрия асослари Шарқ олимлари асарларида ишлаб чиқилди (Насриддин Тусийнинг «Шаклулқитоъ» асари); IX-XV асрлар мобайнида тригонометрик жадвалларга тадрижий ўзгартишлар киритилаборди. Шарқ олимларининг тригонометрик функциялар жадвалларининг энг мукаммали Мирза Улуғбек тузган жадвалларидир. Улуғбек тузгандек аниқ жадвалларни дунёга унгача ва ундан бир неча аср кейин ҳам ҳеч ким туза олмаган.

Улуғбек замонасигача ишланган тригонометрик жадваллар ҳозирги замон тили билан айтганда фақат 5-6 хонадан иборат бўлган. Мирзо Улуғбек эса 10-12 хонали жадваллар тузган. Академик Қори Ниёзийнинг таъкидлашича, Мирзо Улуғбек алгебра соҳасида ҳам жиддий кашфиётлар қилган. Демак, Улуғбек риёзиёт илмини юқори даражага кўтариб, ана шу ютуқлар асосида илми нужум соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритолган. Бу билан у ўзининг катта илмий жасоратини намойиш этган.

Раҳматулла Ибодов Мирзо Улуғбек тузган жадвалдаги синуслар қийматининг тўғрилигини текшириб чиқди. Бу иш, гарчи электрон-ҳисоблаш машинасида амалга оширилган бўлса ҳам, тадқиқотчининг бир йилдан кўпроқ вақтини олди. Шундан сўнг Раҳматулла ака Улуғбек улкан ҳисоблаш маркази, ёки кўпсонли малакали математиклар анжуманига эга бўлган, ёҳуд бизга номаълум мураккаб ҳисоблаш усулларини билган, деган хулосага келди.

Раҳматулла Ибодов ўзининг мазкур хулосалари тўғрисида 1965 йили СССР Фанлар Академияси комиссияси пленумида ахборот берди. Пленум унинг илмий ишини бир овоздан маъқуллади ва ишни алоҳида китоб тарзида нашр этишга қарор қилди. Ўтган йили Душанба шаҳрида Ўрта Осиёда табиий фанлар тарихи бўйича ўтказилган конференцияда, 1966 йилги Закавказье олимлари конференцияларида, Фарғонада бўлиб ўтган республика педагогик ўқишларида Раҳматулла Ибодов ўз илмий ишлари юзасидан ахборотлар берди. Педагогик ўқишлардаги фаоллиги учун уни «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотлашга қарор қилинди.

Маълумки, Улуғбек томонидан тузилган энг ўз илмий қиммати жиҳатидан ундан олдин тузилган зиждлардан бир неча баравар устун туради. Ҳозирги кунда олим Мирзо Улуғбек «Зижи Гурғоний»сининг мукаммал таржимаси устида иш олиб бормоқда.

Н. НОРҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

Хатлар устида мулоҳазалар

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

ЮКСАК БУРЧЛИЛАР

Ўлкамизда забардаст беш йилликнинг учинчи йили салмоқли қадам ташлаяпти. Қалби меҳнат завқи билан тўлган ҳар бир соф виждонли киши учинчи баҳодир йилни ҳам улкан ғалабалар билан якунлаш иштиёқида меҳнат қиляпти. Редакциямизга келаётган хатлар оқими ана шундан далолат бериб турибди. Жарқўрғон район Ленин номли колхоздан хат ёзган М. Дўстбоев мақоласига «Коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлиги» деб сарлавҳа қўйибди.

Бир неча йилдан бери қолоқ ҳисобланган пахтачилик бригадасига коммунист Шариф Тўраев бошлиқ қилиб сайланди,— деб ёзади мақола автори.—Сергайрат коммунист ҳар бир ишни кекса пахтакорлар билан бамаслаҳат амалга оширди. Бригада кадрларини жой-жойига қўйди. Ҳар бир коммунистга аниқ топшириқ берилди. Улардан қилинган иш учун масъулият талаб этилди. Йил охирида ҳар гектар ердан 42 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди.

Колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг сиёсий онгини ошира бориб, улар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқда. Бу эса коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги, меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги масъулиятини оширяпти.

— «Оқ олтин» қанча кўпайса турмушимиз шу қадар фаровонлашади. Буни яхши билган Ромитан районидаги «Октябрь» колхозининг меҳнаткашлари пахта ҳосилдорлигини йилдан-йилга ошириб, катта даромад оляптилар. Масалан, 1965 йилда бир колхозчининг ўртача ойлиги 69 сўмни ташкил этган бўлса, бу рақам 1966 йилда 86 сўмга, ўтган йили 105 сўмга етди. Бу, астойдил қилинган ҳалол меҳнатнинг натижасидир,— Ромитан районлик С. Қодиров бизга йўллаган қишлоқ коммунистлари ҳақидаги корреспонденциясида ана шу ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади.

У бундай катта ўзгаришга коммунистларнинг ҳар бир ишга бош-қош бўлиши туфайли эришилганлигини қувонч билан тилга олади. Шунингдек, колхоз қишлоқларининг жамоли гўзаллашиб боряпти. Кейинги бир йил ичида 40 га яқин хўжалик янги уй тўйлари ўтказди. Хўжалик юбилей йилида давлатга пахта сотиш планини 127 процент қилиб бажарди. Бунинг эвазига мўмай даромад олинди. Колхоз партия ташкилоти ҳисобида турган 88 та ташаббускор коммунист ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларига тенг тақсимланган. Бу, ҳар бир участкада меҳнат унумдорлигининг ошишига меҳнатни тўғри ташкил этишга имкон беряпти.

Яккабоғлик Ш. Маҳмудов, гулистонлик В. Ўлмасбоев, Учқўрғон районидаги Ленин номли колхозда истиқомат қилувчи С. Аҳмедов, Калинин районлик А. Қурбонов, Ўйчи районида яшовчи М. Пўлатов, Олтиариқ районидаги 30-мактаб ўқитувчилари Д. Турдибоева ҳамда А. Турдибоев ўртоқларнинг редакцияга юборган хатларида ҳам коммунистларнинг умумишига қўшаётган улкан ҳиссалари ҳақида, отақўғлб кишиларнинг яхши фазилатлари ҳақида юрак қарорати билан битилган сатрлар бор.

Свердлов районлик С. Сафаров, марғилонлик Ў. Алиев, риштонлик Р. Ғозиев, Вобкент район ижроия комитетининг ходими Ф. Ражабова, наманганлик М. Юсупов ўртоқлар ўқитувчилар, агрономлар, алоқачиларнинг қадрли меҳнатларини қаламга олгаслар.

«ОБУНАЧИЛАРДА АЙБ НИМА?»

Газетамизнинг ўтган йил 27 декабрь сонида «Обунаچиларда айб нима? сарлавҳали мақола босилиб, унда газета-журналларни вақтида эгаларига етказиб бермаётган айрим алоқачилар, почтальонлар қаттиқ танқид қилинган эди. Шунингдек, узоқ районларга газета-журналларнинг вақтида етиб келмаслик сабаблари очиб ташланган эди. Шу муносабат билан редакция жуда кўп газетхонлардан хатлар олди. Авторлар «Обунаچиларда айб нима?» мақоласида келтирилган фактларга муносабатларини билдириб, ўзлари яшаб турган маҳаллаларга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимларининг ишидаги камчиликларни танқид қиладилар.

Тошкентдаги 57-алоқа бўлимининг мудири И. Усмонов газета-журналларнинг обунаچиларга вақтида етказиб берилмаётганини қуйидагича асослайди.—Ҳар тўкисда бир айб деганларидек пойтахтимизда кейинги йилларда обунаچиларга хизмат қилишда алоқа бўлимларининг фаолияти сусайиб кетди. Бунга кўп жиҳатдан республика газета-журнал экспедицияси сабаб бўлаётир. Улар тегишли газета-журналларни почта бўлимларига вақтида етказиб бермаётирлар. Масалан, шу йилнинг 5 январида экспедициянинг айби билан бўлимимиз «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 2 та сонини, 24 январда эса «Совет Ўзбекистони» газетасидан 374 нусха ололмади. Деярли ҳар куни у ёки бу газетадан 10-20 нусха кам келтирилади. Бу зайлда биз обунаچиларнинг талабини қандай қилиб қондира олардик.

Балиқчи район алоқа бўлимининг бошлиғи У. Парпиев ҳам газета-журналлар тарқатишда асосан экспедиция ташкилотларининг масъулиятини ошириш кераклиги ҳақида фикр юритади. У узоқ районларга юборилаётган газета-журналларнинг кўпчилиги йўлда машиналардан-машиналарга юклашда, туширишда йиртилиб кетаётганлигини ачиниб ёзади.

Тошкент шаҳар, Космонавт кўчаси 60-уйда яшовчи пенсионер М. Хўжаев, тошкентлик И. Деҳқоналиев, Октябрь районидаги 1-сон ўрта мактаб ўқитувчилари М. Каримов ва А. Шамсиддинов, Оржоникидзе район Ҳондотлик қишлоғида яшовчи Ф. Муродов, Бойсун районидаги «Шеробод» совхозидан Х. Сувонов ўртоқлар ҳам ўз хатларида газета-журналларни вақтида етказиб беришда йўл қўйилаётган нуқсонлар ва уларни зудлик билан бартараф этиш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида мулоҳазалар юритишган. Матбуот ҳаётимизнинг ойнаси, ҳақиқат жарчисидир. Маҳаллий алоқа бўлимлари ва республика «Союзпечать» ташкилоти газетхонларнинг истак ва талаблари юзасидан аниқ тадбирлар белгилаши, аҳолига алоқа хизмати кўрсатишда намуна бўлиши керак.

Нафосат тарбияси

Социалистик жамиятимизда мавжуд бўлган илғор, революцион урф-одат ва анъаналар коммунистик давр кишисини вояга етказишда жуда қўл келади.

Миллий урф-одат, расм-русм, анъана ва қоидалар ҳар бир миллат, ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятидир. Ўзбек халқлар дўстлиги, хусусан социалистик бирдамликка кирувчи миллатларнинг бузилмас тарихий дўстлиги миллий урф-одатлар ва анъаналарни ўзаро ҳурмат этишни талаб қилади.

Маълумки, миллий урф-одат. ва анъаналар ҳам ижобий ва салбий, илғор ва консерватив, революцион ва реакцион характерга эга бўлиши мумкин.

Эски урф-одат ва анъаналарга муносабат масаласида антагонистик жамиятдаги ҳар бир халқ маданиятида икки маданият, яъни прогрессив ва консерватив, революцион ва реакцион маданият борлиги тўғрисидаги ленинча қондага амал қиламиз. Коммунистик тарбияга нафи тегадиган урф-одат ва анъаналарни биз қадрлаймиз, бизнинг ҳаётий ва тарбиявий ишимизга путур етказадиган урф-одат ва анъаналарни эса инкор қиламиз.

Эстетик тарбияни амалга оширишда эски ва янги урф-одат ва анъаналардан фойдаланишни оила, мактаб ва жамоатчилик биргаликда олиб боради. Шунга эришиш керакки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси куни 7 ноябрь ва халқаро меҳнаткашлар бирдамлиги куни 1-Май, халқаро хотин-қизлар куни 8 Мартни, Совет Армияси куни — 23 феврални байрам қилиш фақат интернационал тарбияга, ватанпарварлик ва халқлар дўстлиги туйғусини тарбиялашга хизмат қилибгина қолмай, айни вақтда кишиларда гўзаллик туйғуларининг ҳам камол топишига ҳисса қўшсин.

Айни вақтда шундай урф-одат ва анъаналар борки, улар одамлар учун гўзаллик салтатидир. Баҳор байрами, лола сайли, гул байрами, бойчечак терими, қўшиқ байрами, турли хил ҳосил сайллари (боғ сайли, узум сайли, қовун сайли кабилар), ана шулар жумласидандир. Буларнинг кўпчилиги қадимий миллий урф-одат ва анъаналардир. Уларда иштирок этган одам ғўзал табиатимизнинг ранго-ранг бўёқларини, унинг жилвакор уфқларини, табиий гулларнинг дилбар товланишларини, инсон меҳнатининг кўркам самараларини, турли меваларнинг лаззатбахш мазасини бевосита кўради, ором олади. Боғда, далада, қирда, тоғда айтилган ва эшитилган қўшиқ эса тингловчига уйғаги ёки театр саҳнасидагидан кўра беқиёс юксак, беқиёс ширин туюлади. Бу эса кишида гўзаллиқни қадрлаш ва ҳис қилиш қобилиятини қўзғатгина қолмай, унда ижодкорлик майлини ҳам уйготади.

Қадимий байрамлардан бўлмиш Наврўз байрами айниқса эстетик тарбиянинг қимматли воситасидир, зотан, у моҳият эътибори билан халқчил байрам бўлибгина қолмай, гўзаллик байрами ҳамдир. Негаки, баҳорда табиат ўзининг гўзал жамолини намойиш қилади, халқдаги гўзаллик яратувчи ички кучлар янгидан ҳаракатга тушади, гўзалликни янги босқичда янгидан яратувчи бевосита ижтимоий фаолият — меҳнат қайта бошланади. Наврўз байрами кунларида кишилар ўзини гўзаллик бағрида кўради, бунда инсоннинг гўзаллик туйғуси ғунча очиб, қулоч ёза боради... Бу байрам инсон қалбида ҳеч бир бадиий асар қолдириши мумкин бўлмаган даражада чуқур эстетик завқ қолдиради.

Ёшларни эстетик тарбиялашда наврўз байрами, миллий санъат ва адабиёт билан бирга, миллий спорт ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Миллий кураш ва пойга, чавандозлик ва мерганлик, улоқ шулар жумласидандир. Афсуски, бу имконият ҳам бизда маорифчилар ва ота-оналар эътиборидан четда қолмоқда.

Ўзбек цирк санъати, хусусан, дорбозлик шундай ҳодисаки, бунда ҳам санъат, ҳам спорт ўзвий бириқиб кетади. Ўзбек дорбозлиги эпчиллик ва жасорат, ғозик ижрочилик ва юксак маҳорат, ғўзаллик жозибасига мубталолик ва шунга садоқат рамзидир. Ўзбек дорбозлигида спорт, созандалик, аския, масхарабозлик чамбарчас бириқиб, яхлит бир санъатни ташкил этади. Биз ўзбек цирк санъатидан, жумладан, ўзбек дорбозлигидан меҳнаткашлар кенг оммасини, хусусан, ёшларни эстетик жиҳатдан тарбиялашда кенг фойдаланмоғимиз зарур.

Мактаб, оила, маорифчилар тегишли ташкилотлар ва шахслар билан келишган ҳолда ўзбек дорбозлигини ҳам эстетик тарбиянинг ажойиб воситасига айлантира оладилар. Бироқ бу ҳолда дорбозлар томонидан халққа, томошабинга, болаларга айтиладиган шиор, матал, шеър ва масаллар, ижро этиладиган масхарабозлик ва ўйин, чалинадиган куй программаси совет педагогикаси ва методика асослари билан мувофиқлаштириб тузилмоғи лозим. Чунки дорбозликдаги масхарабозлар томонидан ижро этиладиган ҳазил ва ўйинлар кишиларнинг эстетик дунёсига кучли таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, ўзбек миллий урф-одатлари, маросимлар, анъаналар, ўзбекча маънавий-ахлоқий расм-русумлар ва қоидалар, ўзбекча спорт ва санъат ёшларни эстетик тарбиялашнинг, уларда нафосат туйғуларини воғ ёлга етказишнинг ғоят ноёб воситаларидандир. Илғор миллий — урф-одат ва анъаналар коммунистик дунёқараш ва марксча-ленинча фалсафага заррача зид эмаслиги туфайли, уларни қадрлаш ва ривожлантириш зарур.

М. НУРМАТОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

Ўзбекистон ҳисоблаш марказининг перфорация цехида республикамиз ишлаб чиқариш корхоналари ҳужжатларини дастлабки ишлашга киришилди. Суратда: перфорация цехида.

И. Глауберзон фотоси.

ИЛМИЙ КОММУНИЗМ АСОСЧИСИ

К. МАРКС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Илмий коммунизмнинг буюк асосчиси Карл Маркс каби катта миқёсдаги баҳодирона куч-ғайратга эга бўлган мутафаккир ва революцион арбобни инсоннят тарихи Марксгача бўлган даврда билмаган эди.

Марксизм илмий ва революцион дунёқараш сифатида XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлди ва шакилланди. Бу даврга келиб, ишчилар синфи мустақил тарихий ҳаракат учун қобилиятли бўлиб етишди, XIX асрнинг ўттизинчи ва қирқинчи йилларида пролетариатнинг синфий курашлари авж ола бошлади: 1831 ва 1834 йилларда Лион ишчилари қўзғолон қўтардилар, Англияда чартистлар ҳаракати, қирқинчи йилларнинг бошида Германияда Силезия қўзғолони бўлиб ўтди. Бироқ бу даврда ишчилар синфи ҳали ўз тарихий ролини англаб олмаган, ўз назариясига ва ўз мафкурасига эга бўлмаган эди. Унга капиталистик қулчиликдан озод бўлиш ва жамиятни тубдан қайта қуриш йўлларини кўрсатадиган илмий жиҳатдан асосланган назария зарур эди. Марксизм худди ана шундай назария бўлди.

Марксизм — тарихий тараққиётнинг энг муҳим масалаларига, ишчилар ҳаракати томонидан илгари сурилган энг туб масалаларга жавоб бера оладиган чуқур илмий дунёқарашдир. «Файласуфлар оламни фақат турлича изоҳлаб келдилар, холос, лекин ҳамма гап уни ўзгартиришдадир». Марксниинг «Фейербах тўғрисидаги тезислари»дан олинган бу сўзлар революцион эҳтирос билан биргаликда қатъий илмийликни ўзида мужассамлаштирган марксизм таълимотининг калити вазифасини ўтайди.

Карл Маркс энг аввало революционер эди. Марксниинг гениал шогирди ва дўсти Ф. Энгельс 1883 йилда Марксниинг кабри ёнида нутқ сўзлаб, шундай деган эди: «Капиталистик жамиятни ва бу жамият вужудга келтирган давлат муассасаларини ағдаришда бирон йўл билан иштирок этиш, ҳозирги замон пролетариатини озод қилиш ишида иштирок этиш — ҳақиқатда Марксниинг зиммасига тушган ҳаётий вазифалар эди. Маркс биринчи мартаба пролетариатга унинг ўз аҳволини ва эҳтиёжларини англатиб берди, унинг озодлиги шартларини англатиб берди. Унинг стихияси (севган иши) кураш эди. У шундай муваффақият билан курашар эдики, бундай курашувчилар жуда оз бўлади» (К. Маркс, Сайланма асарлар, 1-том, 13-бет).

Маркс фанни тарихнинг қудратли ричаги, том маъноси билан айтганда, революцион куч деб билди.

Маркс ва Энгельс ўзларининг буюк кашфиётлари — тарихни ва қўшимча қиймат назариясини материалистик тушунишлари туфайли социализмни утопиядан фанга айлантирдилар. Улар бойлик ва камбағаллик, ҳукмронлик ва тобелик табиатнинг қотиб қолган, ўзгармайдиган қонунлари натижаси эмаслигини исботладилар.

* * *

Марксниинг илмий коммунизми унинг ўзи яратган диалектик материализмга, чуқур фалсафий негизга таянади. Марксизм фалсафасининг пайдо бўлиши инсон тафаккури тарихда чинакам революцион тўнтариш бўлди.

Марксизм фалсафаси ўзи пайдо бўлган кундан бошлаб ҳозирги кунларгача пролетариатнинг синфий курашда ўткир қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Марксизм ҳали пайдо бўлиш арафасидаёқ Маркс ўзининг «Гегель ҳуқуқ фалсафасининг танқидига доир кириш» деган мақоласида пролетариат фалсафадан ўзи учун **маънавий қурол** олади. Назария оммага етиб бориши биланоқ моддий кучга айланади, деб ёзган эди.

Маркс ўтмиш (Марксгача бўлган) материализмининг асосий нуқсонларини — унинг механик, абстракт мушоҳадачилик каби асосий нуқсонларини бартараф этди. У яратган материалистик диалектика кўп қиррали, энг сермазмун, тараққиёт тўғрисидаги энг чуқур таълимот бўлиб, у тараққиётга қарама-қарши кучлар ва тенденциялар кураши, эскилик нинг янгилик билан доимий кураши деб қарайди.

Марксча тафаккурнинг энг йирик муваффақиятларидан бири тарихий материализмнинг яратилиши — материалистик диалектикани ижтимоий ҳодисаларга ҳам татбиқ этишдан иборат бўлди. Бу билан марксизм жамиятга нисбатан Марксгача бўлган муносабатлардаги мавжуд асоссизликлар ва чалкашликларни бартараф этиб, жамият тўғрисидаги ҳақиқий фанни яратди. Маркс ижтимоий-иқтисодий тузумлар тўғрисида кишилик жамичти тараққиётининг объектив қонуниятларини очиб берадиган таълимоти билан социологияни илмий негиз даражасига олиб чиқди. Тарихни материалистик тушунишни реал турмушга ижодий татбиқ этиш натижасида синфий курашнинг мураккаб вазиятларида тўғри йўл топиш имкони туғилади.

Иқтисодий таълимот марксизмда алоҳида ўрин эгаллайди. В. И. Ленининнг таъбири билан айтганда, Марксниинг иқтисодий назарияси пролетариатнинг капитализмнинг умумий сафида тутган ҳақиқий ўрнини тушунтириб берди.

Маркс «Капитал»да ўз иқтисодий назариясини рўй-рост баён этди, материалистик диалектикани ижтимоий ҳодисаларга татбиқ этишнинг классик намунасини кўрсатди. «Капитал»да жуда катта фактик материал умумлаштирилган. Бу ўлмас асарни ёзган Маркс, том маъноси билан айтганда, илмий жасорат кўрсатди. Шу билан биргаликда бу китоб жанговар, оташин, чинакам партиявий асардир.

Марксниинг иқтисодий назариясида қўшимча қиймат тўғрисидаги таълимот асосий ўринни эгаллайди. Бу таълимот капиталистик эксплуатациянинг бутун қиёфасини, ишчилар синфи билан буржуазия ўртасидаги барча қарама-қаршиликларни очиб берди ва синфий манфаатларнинг бир-бирига зидлигини, пролетариатнинг революцион синфий кураши муқаррарлигини тушунтириб берди.

Маркс капиталистик жамгарма тўғрисидаги умумий қонунни, яъни бир жойда бойликларнинг тўпланиб қолиши бошқа бир жойда қашшоқликнинг ўсишига олиб келиши тўғрисидаги қонунни кашф этди. Капиталистик жамиятда ишчилар синфининг абсолют ва нисбий қашшоқланиши худди ана шундан келиб чиқади.

Маркс капитализм даврида кризисларнинг доимий муқаррарлигини кўрсатиб берди. Чунки иқтисодий кризислар негизида капиталистик ишлаб чиқариш усулининг объектив қарама-қаршиликлари — ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан ўзлаштиришнинг хусусий капиталистик формаси ўртасида қарама-қаршиликлар ётади.

Маркс капитализмнинг пайдо бўлиши, тараққий этиши ва ҳалокати тўғрисидаги қонунни кашф этди. У буржуа ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш кучларини янада тараққий эттириш учун тобора сиртмоқ бўла боради деб кўрсатди: тараққиётнинг маълум бир даражасига етганда ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида зиддият пайдо бўлиб, у фақат пролетар социалистик революцияси натижасидагина ҳал қилиниши мумкин.

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

● Термиз меҳнаткашлари дам олиш учун ёз фаслида кўпгина жойларга борадилар.

Шаҳар ижроия комитети Учқизил сунъий кўли пляжини обод қилиш учун қўшимча маблағ ажратди. ДОСААФ активистлари бу ерда шаҳар денгиз клубини ташкил этдилар. Клубда аквалангчилар секцияси ишлайдиган бўлади. «Сурханэлектросеть» корхоналари ажойиб ташаббус кўрсатдилар. Улар кўл соҳилида бир кунлик дам олиш уйини очмоқдалар.

● Ханойлик ёш олим Ле Ван Зи Вьетнам аппатитларидан мураккаб минерал ўғитлари ҳосил қилиш усулини ишлаб чиқди. Ле Ван Зи Тошкент политехника институтининг аспирантидир.

Ўзбек олимлари Ле Ван Зи таклиф этган технологияга юксак баҳо бердилар. Ёш олимнинг таклиф этган технологияси ўзининг оддийлиги, тежамли бўлиши билан ажралиб туради ва таркибида 25—30 процент фосфор ва азот моддалари бўлган ўғит ҳосил қилиш имконини беради. Аспирантнинг ватанида ҳозирча аппатитлардан оддий ўғит суперфосфат олинмоқда. Унинг таркибида эса йигирма процент чамаси фосфор бор, холос.

Ле Ван Зининг бу тадқиқоти унинг диссертация иши учун асос бўлди.

Ҳозир Тошкентда Вьетнам Демократик Республикасидан келган олти ёш тадқиқотчи диссертация иши устида астойдил меҳнат қилмоқда.

● Андижон областида қишлоқ иқтисодчиларининг семинари ишлай бошлади. «Савай» совхозида «Қишлоқ иқтисодчиларининг куни» ўтказилди. Илғор хўжалик мутахассислари хўжалик анализини тўғри ўтказишни уюштириш, меҳнат сарфини ҳисобга олиш тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Областнинг кўпгина илғор хўжаликларида ана шундай семинарларни ўтказиш кўзда тутилади.

Суратда: «Икки коммунист»дан кўриниш (чапдан) Аҳмад Понсод — Уз. ССР. халқ артисти Аббос Бакиров. Арслон Ҳусанбоев — артист Ҳошимжон Олимжонов.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ

ГРАЖДАН МУДОФААСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли адо этиш учун бизга тинчлик керак. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати янги жаҳон урушининг олдини олиш учун зарур бўлган барча тадбирларни кўрмоқда.

Лекин, Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги империалистик давлатлар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчлинсевар сиёсатига қарама-қарши ўлароқ, ҳарбий авантюра сиёсатини ўтказиб, зўр бериб қуролланмоқдалар. Америка агрессорлари Вьетнамдаги уруш оловини тобора кучайтирмоқдалар. Халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга жон-жаҳдлари билан интилмоқдалар. Улар Исроил агрессорларини қўллаб-қувватлаб, халқаро аҳволни нескинлаштираётирлар.

Партия ва ҳукуматимизнинг, халқимизнинг кўрсатаётган кундалик ғамхўрлиги туфайли Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти замонавий ҳарбий техника билан қуролланган ҳамда мамлакатимиз чегараларини истаган вақтда ҳимоя қилишга тайёр турган тажрибали кадрлар билан таъминланган. Совет Қуролли Кучлари доимо жанговар шай ҳолда турибди.

Империалистик агрессияга қақшатқич зарба беришда граждан мудофааси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Граждан мудофааси умумдавлат мудофаа тадбирлари системасидан иборат бўлиб, тинч шароитда аҳолини ва халқ хўжалигини ракета ядро, кимявий ва бактериологик қуроллардан ҳимоя қилиш, шунингдек, ёппасига зарарланган жойларда аҳолини сақлаш ва қутқариш ишларини олиб боришни олдиндан амалга оширади.

Граждан мудофаасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда бутун халқ қатнашади. Граждан мудофаси мамлакатнинг бутун территориясини ўз ичига олади.

Граждан мудофаасининг асосий вазифаси — аҳолини ёппасига зарар етказувчи қуроллардан сақлаш ва уларни йирик шаҳарлардан эвакуация қилиш ҳамда жойлаштириш йўли билан ҳимоя қилиш, уларни ҳимоя қилиш иншоотлари ва ҳимояланишнинг якка воситалари билан таъминлаш, шунингдек, бутун аҳолига ёппасига зарар етказувчи қуроллардан сақланиш усулларини ўргатиш ва ўзаро ёрдам кабиларни ўз ичига олади.

Республикамизнинг кўпгина министрликлари, идораларининг раҳбарлари граждан мудофаасини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиб, планлаштириш ва ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш, уруш бўлган шароитда корхоналарнинг нормал ишлашини таъминлашни тўғри ташкил қилмоқдалар.

Бу соҳада республика энергетика ва электрлаштириш министрлиги яхши ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, Чирчиқ электрохимия комбинати, Тошкент тўқимачилик комбинати, Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи, 160-қурилиш трести, Самарқанддаги «Кинап» заводида граждан мудофааси ишлари намунали йўлга қўйилган. Бу ерларда ишчи ва хизматчиларга ёппасига зарар етказувчи қуроллардан сақланиш йўллари ўргатилмоқда. Мудофаа иншоотлари жиҳозланмоқда. Граждан мудофаси бўлинмаларининг амалий машқлари ўтказилмоқда. Мазкур объектлар граждан мудофааси учун зарур бўлган буюмлар, ўқув ва турли кўргазмали қуроллар билан таъминланган. Граждан мудофааси бурчаги ва клублари ташкил этилган.

Андижон темир йўл станциясида машқлар мунтазам ўтказилмоқда. Ишчи ва хизматчилар граждан мудофааси сигнали бўйича ўз бурчларини чуқур англайдилар, граждан мудофаасининг бўлинмаларида аниқ ҳаракат қилаоладилар. Граждан мудофаасининг бўлинмалари машқларида Самарқанд районидаги «Боғизоғон» совхози ва Улуғбек номли колхозлар, Иштихон районидаги «Халқобод» колхози яхши тайёргарлик кўрмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Афсуски, кўпгина жойларда ишчи-хизматчилар, аҳоли орасида граждан мудофааси тадбирларини амалга ошириш соҳасидаги ишлар талаблар даражасида ташкил этилмаган. Айрим объект ва баъзи колхоз ва совхозларда жанговар тайёргарлик плансиз равишда олиб борилмоқда. Баъзи жойларда эса бу ишга бутунлай аҳамият берилмаётир. Тошкент гўшт комбинати, «Юлдуз» тикувчилик фабрикаси, «Уртоқ» кондитер фабрикаси, Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли совхоз, Свердлов номли колхозлар ана шулар жумласидандир. Бу ерларда ўқув моддий базаси яратилмаган. Граждан мудофааси бурчаклари, шиорлар, адабиётлар йўқ.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида қабул қилинган «Умумий харбий мажбурият тўғрисида»ги янги Қонун мамлакатимиз мудофаа қувватини янада оширишга, Қуролли Кучларимизни янада мустаҳкамлашга қаратилган, Шунингдек, Қонунда ўрта мактабларда ҳам бошланғич ҳарбий тайёргарлик олиб бориш, граждан мудофааси программасини ўрганиш кўрсатиб ўтилган. Бу халқ маорифи органлари, мактаб директорлари ва ўқитувчилари, граждан мудофааси штаби бошлиқлари олдига ўқувчиларни граждан мудофааси бўйича ўқитиш вазифасини қўяди. Баъзи мактабларда граждан мудофааси бўйича ўқувчиларни тайёрлаш яхши уюштирилган. Аммо Тошкент ва Бухоро областларидаги қатор мактаблар текширилганда 5, 6, 7 ва 9-синф ўқувчилари граждан мудофааси бўйича пухта ўқитилмаганлиги аниқланди. Ўқувчилар билан машғулот ўтказганда ҳимоя воситаларидан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқишга етарли эътибор қилинмаётир. Айрим мактабларнинг ўқув моддий базаси дарсларни яхши ўтказишга имкон бермайди. Кўпгина мактабларда граждан мудофааси бурчаклари ва синфлари жиҳозланмаган.

Халқ маорифи органлари ва граждан мудофааси штаби бир ёқадан бош чиқариб, юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, янги ўқув йилида ўқувчиларни граждан мудофаасини ўзлаштиришини намунали йўлга қўйишлари лозим.

Бу муҳим вазифани бажаришда аҳоли орасида граждан мудофааси тадбирларини ва билимларини пропаганда қилиш катта аҳамиятга эгадир. Кейинги вақтларда бу соҳада бирмунча ишлар амалга оширилди. Лекин бу ҳали ҳозирги талабларга етарли жавоб бермайди. Граждан мудофааси билимларини пропаганда қилиш вазифасини ҳал этишни талаб қиладиган баъзи министрликлар ва идоралар бу соҳада зарур тадбирларни амалга оширмаётир. Граждан мудофааси тадбирларини ва билимларини пропаганда қилиш янада яхшилаш, унинг илмий, ғоявий мазмунини кўтариш учун бу ишни меҳнаткашларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан қўшиб олиб бориш лозим.

Республикамиз граждан мудофааси олдида мураккаб ва масъулиятли вазифа турибди. Агарда министрликлар, идоралар халқ хўжалик объектлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари партия, комсомол ва жамоат ташкилотларига таяниб, граждан мудофааси соҳасидаги ташкилий ишларни кўтарсалар бу вазифа муваффақиятли ҳал бўлади.

В. УЛЬЯНОВ,
Ўзбекистон ССР Граждан мудофааси штабининг бошлиғи, генерал-майор.

АСАРНИНГ ҚАЙТА ТУҒИЛИШИ

«ИККИ КОММУНИСТ» АНДИЖОН САҲНАСИДА

Фарғона ўт ичида ёнмоқда. Аланга ичида қолган уйлар, қулбалардан кўтарилаётган тутун осмонни қоплаган. Босмачилар галаси ночор, қашшоқ халқни талаб, қишлоқларга ўт қўйиб кетган. Тун қоронғиси... Саҳнада оппоқ сочлари паришон ёйилган она фарёд чекади. Ў тинчини йўқотган, ташвиш, аламдан вужуди титраётир. Она ноласи тун зулматини парчалаб олис-олисларда акс садо беради... Кўнгли забун она юрт тақдирига юрақдан ачинаётган, ночор йигит ўйчан ниғоҳини ерга қадаганча турибди. Унинг кўкси қасос олиш, она тупроқни топтаган, эл-юртни зордантирган босмачиларга нафрат тугёни билан тўлиб тошган.

Ер-сувидан, тахти-давлатидан ажралган бойлар, тўралар шўро ҳукуматига қарши қабоҳат қуролини қўлига олган. Содда, бечорахол халқни талаб, қўрқитиб, зўрлик билан ўзига қаратмоқчи, партия аъзоларини маҳф этиш йўли билан иккилоб шуъласини сўндирмоқчи, қуёшга парда тортмоқчи. Қишлоқларга ўт қўйиб, аёлар иффатига доғ солиб, кексаларни таҳқир этиб аламдан чиқмоқчи... Шу кеча-кундузда Охунбобоев номли Андижон область музикали драма ва комедия театри саҳнасида намойиш қилинаётган «Икки коммунист» («Тор-мор» — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат ва Ҳамза мукофоти лауреати Комил Яшин асари) спектаклида ёш коммунистларнинг революция душманларига қарши олиб борган курашлари ва босмачиларнинг тор-мор келтирилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

К. Яшин «Икки коммунист» асарини 1929 йили ёзган. Бундан 20 йил муқаддам Андижон театри саҳнасида қўйилган. Орадан қариб 40 йил ўтгандан сўнг драматург уни қайта ишлади, сайқал берди, янги персонажлар билан бойитди.

Шундай қилиб, асар янгидан дунёга келди, театр саҳнасида қайта ўйнала бошлади. Томошабинлар шодлик ва мамнуният билан қарши олдилар. «Икки коммунист» бундан 20 йил аввал театр саҳнасида қўйилган эди, дедик. Йигирма йилдан буён театр ҳаётида ўзгаришлар юз берди. «Икки коммунист»да асосий ролларни ижро этган артистларнинг кўпи кексайиб, пенсия ёшига етди, бугун улар залда томошабинлар каторида ўтириб, эстафета байроғини қўлларидан олган шогирдларнинг маҳоратига тан беришяпти. «Икки коммунист»даги Дилбархон ролини Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳадича Аминова ижро этган эди. Ҳозир бу ролда унинг қизи Ўзбекистонда хизмай кўрсатган артист Дзиза хон ўйнаяпти. У пайтлар жуда ёш қизалоқ Азизахоннинг юрагида санъатга театрга бўлган иштиёқни уйготган ҳам, онаси яратган шу Дилбархон образи эди. Содда, самимий қишлоқ қизи Дилбархон образини онасидай маромига етказиш учун Азиза Аминова кўп изланди. Дилбар образига иккинчи бор ҳаёт бахш этди, унинг ёркин, жонли сиймосини яратишга муваффақ бўлди. Муҳими шундаки, революция душманларининг иқирози, рус ва ўзбек коммунистларининг биродарлиги, янги тузум тантанаси ҳақида ҳикоя қилувчи бу асарни томошабин йигирма йилдан кейин ҳам аввалгидай мамнуният, қизиқиш билан қарши олди. Таначфус пайтида спектаклни диққат билан кузатиб ўтирган томошабинлар, қария отахонларнинг мулоҳазаларига қулоқ соламиз. Улар асар ҳақида қизғин фикрлашиб ўтиришибди. Айниқса каллакесар босмачи, қўрбоши Мадаминбек (артист А. Холбоев) қилмишларидан нафратланишар, у бошлиқ босмачи тўдасининг ваҳшийликлари ҳақида қариялар кўрган-билганларини бирма-бир айтишарди.

— Мен уни таниймаман, кўрганман, гаплашганман ҳам. Солиқ важидан оёқлари остига йиқилганман. Уйимга ўт қўйган ўша, ўглимни кўз олдимда отиб ташлаган ҳам ўша эди, дейди уларнинг бири.

Ҳа, босмачилар зулмини тотиб кўрган, улар билан юзма-юз жанг қилган оталар эди залда ўтирганлар. Асар маъқул бўлди уларга.

Ёш шўро ҳукумати босиб ўтган 50 йиллик тарихнинг бир саҳифаси бўлган бу асарда икки синф вакилларининг тўқнашуви тасвир этилади.

Икки коммунист — иккилоб учқунларини таратувчи, нажоткор рус коммунисти Семёнов Аркадий Иванович — Фарғона фронти ҳарбий кучларининг бош қўмондони (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Н. Муродов), ўзбек ўғлони, партия аъзоси, босмачиларга даҳшат солган Арслон Ҳусанбоев — шаҳар партия дружинаси командири (артист Ҳ. Олимжонов) асарнинг марказида туради. Икки коммунист, икки жанговар қурашчи атрофига бойлардан, чор ҳукуматидан чексиз жафо кўрган халқ бирлашади, ҳайрихоҳлик кўрсатади. Коммунистларнинг сони халқ орасидан чиққан ёш қурашчилар ҳисобига кенгайиб, мустаҳкамланиб боради.

Душман ниқобланган, маккор. Бу эса курашни янада жиддийлаштиради. Қурбонлар беришга олиб келади. Султонбек (артист М. Қодиров) Андижон уезд шаҳар ижроком аъзоси, миллий ишлар бўйича комиссар, аслида эса эсэр, сотқин, чет эл малайи. У коммунист Арслонбекнинг босмачиларга қарши отрядига талофот етказиш учун янги воситa ўйлаб топади. Мадаминбек унга раҳнамолик қилади. Султонбек Арслонбекнинг «яқин дўсти» бўла туриб унинг хотини, соҳибжамол Дилбарга «ошиқу беқарор» бўлиб қолади. Арслоннинг сиёсий обрўйини букиш учун уни рашк можаролари билан чалғитмоқчи, юрагига оғу солмоқчи бўлади. Шу ният билан Дилбарни ўғирлаб кетадилар Қамчисидан қон томган қўрбоши Аҳмад Понсод (ЎзССР халқ артисти А. Бакиров), инглиз жосуси, муддабир, хийлакор Рейли (артист Ў. Нуралиев), Мирхолиқбой (ЎзССРда хизмат кўрсатган артист М. Тиллаев) буларнинг ҳаммаси қорагурухлар, аксилинқилобий синфнинг вакиллари. Лекин улар революция шамоли елса, тўлиб кетадиган бир ховуч ҳазонга ўхшайди. Бильдин (С. Отаев), Арслонбек унинг дўстлари Омон, Баҳодир, Собиржон, Нурматлар, халқ оммаси революция шамоли, бўронидир. Бу бўронга босмачилар дош беролмайди, заводларга ўт қўяди, қонавайрон қилади, қўлига тушганларни тириклай ерга кўмади, осади, ўтда куйдиради, лекин чекинишга мажбур бўлади.

Асардаги образлар характерига мос артистлар усталик билан танланган. Шунинг оқибати бўлса керак, кекса деҳқон Матқовул — Ўзбекистон ССР халқ артисти Қ. Охунов, Мадазим — артист Р. Холмирзаев Дилбар, Арслонбек, Аҳмад Понсод, Семёнов, Марков каби образлар жонли, таъсирли чиққан. Асарни Ўзбекистон ССР халқ артисти Аббос Бакиров саҳнага қўйган. Режиссёр, асарни саҳнага қўйибгина қолмай, унга мустақил ижодкор сифатида ёндошган, спектаклнинг гоя ва бадиий йўналишига мос келадиган янги кўринишлар билан уни бойитган ҳам. Режиссёрнинг яна бир ютуғи шундаки, асардаги бой ва ранг-баранг воқеалар қисқа, лекин тушунарли кўринишларга усталик билан сингириб юборилган.

Назаримизда спектакль баъзи нуқсонлардан ҳам ҳоли эмасга ўхшайди. Ҳамза Ҳакимзода кўпчилик театрлар қатори Андижон театрига ҳам асос солган. Ўзининг бой билимлари, саҳна маҳоратига оид тажрибаларини ўргатган, мерос қилиб қолдириб кетган. Ҳамза қўйган спектакларида саҳна жиҳозларига, артистларнинг кийим-кечак ва грималарига жуда катта эътибор берган. Мазкур асарда катта меҳнат сарф қилиб қаҳрамонлар образини яратаётган артистларнинг ёмов гримда саҳнага чиқиши томошабинни ранжитади Ахмад-Понсод, Бильдин Георгий Михайловичларнинг гримида бу айниқса яққол кўзга ташланади Милтиқ тўппонча овозлари кўпайиб кетган, порох ҳидидан кўнгил безгузир бўлади. Кўп ўринларда милтиқ ёки тўппончага эҳтиёж бўлмагани ҳолда отилаверади. Баъзи роллар маромига етказиб ижро этилмаган, Секретарь қиз (артист Ш. Абдуллаева)дан кўнгил тўлмайди. У революцион партия ташкилотида иш кўраётган кишиларнинг ишончли кишиси, доим хушёр, тадбиркор, хушмуомала қиз бўлиши керак. Артистка эса ёллаб олган, текстларни ўқиб бераётган мактаб ўқувчисига ўхшайди У саҳнадаги воқеалардан ажралиб қолган. Ролнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳамма гап ана шу ролни катта қилиб ижро этишда, катта масъулият ҳис қилишда, ролни образ даражасига кўтара олишда. Ҳар қандай кичик персонажни ҳам юрак қарорати изланиш орқали томошабин юрагига етказиш, ўчмас қилиб мухрлаб қўйиш мумкин.

Асарга М Тиллаев ва Р Юсуповлар музика ёзган. Лекин музика спектакль охиригача хизмат қилмайди Кўп ўринларда қаҳрамон юрагидаги тугённи, исён тўлқинини, афсус ёки нафрат туйғуларини ифодалашда музика кўмакка келса ёмон бўлмасди.

Томоша финалида босмачилар билан бўлган жангда Андижон уезд — шаҳар коммунистик партияси комитетининг раиси Бильдин ўқ тегиб йиқилади. Унинг кўксига қизил байроқни келтириб ёпадилар Халқ мотамда, дўстлари бошида қасамёд қилишмоқда. Шу ўринда — революцион руҳда ёзилган куй керак. Ҳамзанинг революцион қўшиқларидан фойдаланилса ҳам ёмон бўлмасди.

Келаси йил (1969) Андижон театри коллективи ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлайди, Театр 50 йиллик тараққиёт йўлида 200 дан ортиқ асарни саҳналаштирди. Театр ижодий коллективи сафларида моҳир санъат арбоблари, республика халқ артистлари ва хизмат кўрсатган артистлар етишиб чиқди. Театрчилик илмини эгаллаган профессионал санъаткорлар, ёш талантлар, истеъдодли хонандалар ҳисобига бойиди.

Шу кеча-кундузда театр аҳли ўзининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўрмоқда. С Азимовнинг «Қонли сароб», Миртемирнинг биринчи ўзбек президенти Йўлдош Охунбобоевга бағишланган асари устида ишлаяпти. Театр ижодий коллективи бундан буён ҳам томошабиларни воқелигимизни реал акс эттируви тўлақонли асарлар билан ҳушнуд этади, деб умид қиламиз.

Эътибор ОХУНОВА.

СПОРТ янгиликлари

БИР ДАҚИҚАЛИ РЕКОРД

Тошкентлик оғир атлетикачи Эрнин Каримов мамлакат терма командаси составида Мехикода бўладиган олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўряпти. Шогирдининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб бораётган устоз С. Аванесов бўлажак олимпиадада кам деганда 380—390 килограмм натижа кўрсатиши лозимлигини айтди.

Куни кеча Москва областининг Дубна шаҳридан ҳушхабар келди. Ҳамшаҳаримиз бу ерда энг кучли полвонлар иштирокида ўтказилган мусобақада 1962 йилдан бери ўзгармай келаётган 375 килограммлик рекордни срқада қолдирди. У уч курашда (125 112.5 142.5) 380 килограмм оғирлидаги штангани кўтарди. Лекин бу рекорд узоқ «умр» кўрмади. Ярим енгил вазнлилар ўртасида Э. Каримовнинг кучли рақибларидан бўлган тбилисилик Дмитрий Шамидзе силтаб кўтаришда 150 килограмм натижа кўрсатди ва уч курашда жами бўлиб тошкентлик полвондан 2,5 килограмм оғир штангани кўтарди.

«НЕФТЯНИК» ҒАЛАБАСИ

Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари СССР кубоги учун курашда бир қадам олдинга силжидилар. Улар ўз майдонларида Барнаулнинг «Темп» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Ўйин тандирини ҳал қилган ягона тўп қўшимча берилган 30 минутда киритилди.

Қишлоқ спортчиларининг спартакиадаси

Тошкент область комсомол комитети, спорт жамияти ва ташкилотлари союзи, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов бошқармаси, Қишлоқ хўжалик тайёрлов хизматчилари касаба союзи президиуми ва «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг президиуми Тошкент область колхоз, совхоз спортчи ишларининг II спартакиадасини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Тошкент область «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг раиси ўрток Ю. Набиев мухбиримиз билан суҳбатда Тошкент область қишлоқ ёшларининг спартакиадаси ҳақида ҳикоя қилиб берди:

Ҳозир колхоз ва совхозларда спортчиларнинг спартакиада олди мусобақаларининг мунтазам ва ўз вақтида ўтказилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Спартакиада программасига эркин кураш, классик кураш, велосипед пойгаси, волейбол, енгил атлетика, қўл тўпи, отиш спорти, оғир атлетика, кураш шашка каби ўйинлар киритилган Бу спорт турлари бўйича финал мусобақалари Тошкент, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл, Пискент, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон район спорт базаларида ўтказилади.

Қишлоқ ёшларининг II спартакиадасини муваффақиятли ўтказиш мақсадида 8 кишидан иборат ташкилий комитет тузилди.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

ЁНҒОҚЗОРЛАР КЕНГАЙСИН

«Совет Узбекистони», 1968 йил 20 март сони.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги хабар қилади:

«Ёнғоқзорлар кенгайсин» сарлавҳали танқидий мақолада жуда муҳим масала кўтарилган. Ҳақиқатда сўнгги йилларда республикамизнинг айрим колхоз ва совхозларида, илмий-тадқиқот муассасаларида ёнғоқзорларни кенгайтириш, сортини яхшилаш, тезпишар наъвларини яратишдек муҳим масала эътибордан четда қолди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети буни ҳисобга олиб, республикамизда ёнғоқзорларни кенгайтиришга қаратилган махсус қарор қабул қилди. Унда янги ташкил этилаётган боғларнинг умумий ҳажмига нисбатан ёнғоқзорлар 7 процентни, шу жумладан грек ёнғоғи 5,45 процентни, бодом 1,55 процентни ташкил этиши зарурлиги уқтирилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги республика ҳукуматининг қарорини бажариш юзасидан анча ишлар қилди. Газетада танқидий мақола чиққач, яна шу масалага қайтилиб, оператив чоралар кўрилди. Кўчатзорларда жуда кўп туп ёнғоқ кўчати, шу жумладан, 12 минг туп грек ёнғоғи кўчати, 17,3 минг туп бодом кўчати тайёрланиб, колхоз ва совхозларга жўнатилди. Кўчат тайёрлаш қизғин давом эттириляпти.

ЛЕНИНИЗМ ЯНГИ ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ТАЛИМОТИ

Буржуа иқтисодчилари ва сиёсатчилари, шунингдек улар билан ҳамтовоқ бўлган турли хилдаги оппортунистлар, ревизионистлар Маркс иқтисодий назариясининг гениал қонун-қоидаларини «рад» этишга ҳаракат қилиб келдилар ва ҳали ҳам шундай қилмоқдалар. Ҳозирги замон буржуа сиёсатчилари ва ревизионистлари капиталистик жамиятнинг иллаторини иложи борича хас-пўшлаб «планли капитализм», «халқ капитализми», «ёппасига фаровон давлатлар» ғоясини илгари сурмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси бошдан охиригача демагогиядан иборат. Ҳозирги пайтда капитализм энг аввало давлат-монополистик капитализмдир. «Давлат-монополистик капитализми, — дейилади КПСС Программасида, — монополияларни бойитиш, ишчилар ҳаракатини ва миллий-озодлик курашини бостириш, капиталистик тузумни қутқариб қолиш, агрессив урушлар очиш мақсадида монополиялар кучи билан давлат кучини бир механизмга бирлаштирмоқда».

* * *

Марксниг социалистик революция ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги таълимоти инсон тафаккурининг жаҳоншумул тарихий ютуқларидан биридир.

Маркс революцияларни тарих локомотивлари деб ҳисобларкан, пролетар социалистик революциясининг зарурлигини исботлабгина қолмасдан, унинг ижодий қиёфасини ҳам таъкидлаган эди. У революциянинг жуда катта ижодкорлик имкониятларига чуқур ишонган эди. Маркс ва Энгельс «Немис идеологияси» деган асарида «революция ҳукмрон синфни бошқа ҳар қандай йўл билан қулатиш мумкин эмаслиги учунгина зарур бўлиб қолмай, қулатувчи синф фақат революция туфайлигина ўзининг барча эски иллатларини олиб ташлаши ва жамиятнинг янги негизларини яратишга қобилиятли бўлиб етишиши учун ҳам зарурдир», деб ёзган эдилар. Марксниг фикрича, пролетар революцияси натижасида ўз тараққиётининг дастлабки даврида пролетариат диктатурасидан иборат янги, социалистик давлат қарор топиши керак.

Рус халқини юксак баҳолаган ва рус тилини яхши билган Маркс Россиядаги революцион ҳаракатнинг боришини зўр эътибор билан кузатиб турди. Ленин рус революциясига ва унинг қудратли оламшумул аҳамиятига Маркс ва Энгельс тўла ишонч билдирган эдилар, деб ёзган эди.

Тарихий тараққиёт Марксниг башоратини тўла тасдиқлади. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошига келиб жаҳон революцион ҳаракатининг маркази Россияга кўчди Ўша пайтда Россия барча империалистик қарама-қаршиликларнинг маркази эди. Рус чоризми ва Ғарб империализмининг манфаатлари бир-бири билан жуда узвий боғланиб кетган эди. Кимки чоризмга қарши чиқса, у империализмга ҳам қарши чиқмоғи лозим эди. Россиядаги революция империализмга қарши революцияга, пролетар революциясига айланмоғи лозим эди. Дунёда энг революцион ва миллионлаб меҳнаткаш деҳқонлар билан жуда ҳам мустаҳкам алоқада бўлган рус ишчилар синфи халқаро ишчилар ҳаракатининг авангардига айланди. Россия ленинизм ватанига айланди.

Ленинизм — марксизм тараққиётининг энг олий босқичидир. У капитализм ўзининг энг охирги даврига — империалистик ривожланиш даврига қадам қўйган бир пайтда шакилланди. Бу даврда капитализмнинг зиддиятлари энг охирги маррага, энг охирги чегарага етиб қолган, капитализмга қарши тўғридан-тўғри ҳужумга ўтиш учун шароитлар етилган эди. Бу даврга келиб пролетар социалистик революцияси бевосита амалий иш бўлиб қолди.

Тарихий вазифа — марксизмни иккинчи Интернационал оппортунистлар томонидан бузиб кўрсатишлардан ва янглишлардан тозалаш, уни янада ижодий ривожлантириш, назарияда янги йўллар очишдан иборат эди. Марксча фалсафани янада ривожлантириш, Маркс ва Энгельс вафотидан кейин фан эришган барча муҳим ва жиддий хулосаларни умумлаштириш, империализмнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг қонуниятларини очиб бериш, пролетар революциясининг назарияси, стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш лозим эди. Буларнинг ҳаммасини В. И. Ленин бажарди. У марксизмни янги, олий, лекинча поғонага кўтарди.

* * *

Илмий коммунизмнинг аждодлари утопист социалистлар — XVI асрда Томас Мор, XVII асрда Кампанелла, XVIII асрда Морелля ва Мелье, XIX асрда Фурье ва Сен-Симон эди. Маркс ва Энгельс уларнинг ишларига юксак баҳо беришди

Социалист-утопистларнинг хизматлари шундан иборат эдики, улар капиталистик эксплуататорлик тузумни дадил танқид қилдилар. Социал нотекислиқнинг сабабчиси хусусий мулкчиликдир, деган хулосага келдилар, социалистик тузумнинг афзалликларини ташвиқот қилдилар. Улар ҳақли равишда фақат социализм (коммунизмгина инсониятни ижтимоий қашшоқликдан, кишининг киши томонидан эзилишидан халос қилиши мумкин деган хулосага келдилар.

Бироқ, уларнинг социализми утопик социализм эди, холос. Ижтимоий тараққиёт қонуларини билмаган социалист-утопистлар ижтимоий иллатнинг моҳиятини тушуниб етмадилар, Кишининг киши томонидан эзилишига олиб келувчи сабабларни билмаган ҳолда улар капитализм даврида ёлланма қулчиликнинг моҳиятини очиб бера олмадилар. Уларнинг инсониятни социал тенгсизликдан халос қилиш учун таклиф қилган йўллари жуда ҳам утопик эди,

Лекин Марксгача бўлган социалистик таълимотлар ҳар қанча ҳаёлий бўлганига қарамай, улар инсоният тарихида жуда катта роль ўйнади. Энгельснинг айтишича, утопист-социалистлардан айримлари шунчалик кўп қонун-қоидаларни олдиндан башорат қилиб кетишганки, кейинчалик марксизм уларни илмий жиҳатдан асослаб берди.

Маркс ва Энгельс социализмни утопиядан фанга айлантирди. Улар кишилиқ жамиятининг тараққиёт қонуларини кашф қилдилар Капитализмнинг халокати ва коммунизмнинг галабаси муқаррарлигини илмий жиҳатдан асослаб бердилар. Улар капитализмнинг гўркоп ва янги, коммунистик тузумнинг ижодкори бўлган ишчилар синфи эканлигини уқтирдилар.

Марксизм кишилар турмуш шароитлари устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатишга, маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчилар устидан ҳукмронлиги социализм даврида бартараф этилиши социалистик жамиятнинг асосий қонуниятлари эканлигини исбот қилди,

Маркс коммунистик жамият қуриш йўлларини кўрсатиб берди. У коммунистик жамиятнинг икки даври тўғрисида гениал таълимот яратди, коммунистик жамиятнинг дастлабки даври — социализмдан шубҳасиз олий давр — коммунизмга ўтишини кўрсатиб берди

Мамлакатимизда социализм қурилиши практикаси, совет давлатининг тузилиши Марксниг социализм аста-секин коммунизмга ўтиши тўғрисидаги назарий қоидаларини яққол исботлаб берди,

* * *

Бундан 50 йил муқаддам В. И, Ленин «Маркс таълимотининг тарихий тақдири» деган мақоласида «Марксизм пайдо бўлгандан кейин бутун жаҳон тарихининг мазкур уч давридан ҳар бири марксизмнинг ҳақлигини янгиянги далилар билан исбот этди ва бу давларда марксизм устмаулст тантана қилди. Лекин келажакдаги тарихий даврда пролетариат таълимоти бўлган марксизм яна ҳам каттароқ тантана қилажак», деб ёзган эди

Марксизм-ленинизм кишилик маданиятининг буюк ютуғи бўлиб, миллионлаб кишилар онгига етиб борди, дунёни қайта ўзгартирувчи чинакам моддий куча айланди 1848 йилда Маркс ва Энгельснинг «Коммунистик партия манифести» нашрдан чиққан пайтда дунёда коммунистлар сони 400 га якин бўлса, андиликда коммунистлар армияси сафида 48 миллионга якин киши бор. Жаҳон социалистик системаси замонамизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб қолди. « Марксизм-ленинизм иделарининг омма орасига ёйилишини — дейилади КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг Карл Маркс туғилган кунинг 150 йиллигига бағишланган Тезисларида, — ҳеч нарса тўхтата олмайди, революцион назариянинг ўзгартирувчилик кучини ҳеч нарса заифлаштира олмайди»

Кундалик ҳаётимиз Марксниг эски жамиятга қарама-қарши янги жамият, халқаро принципи тинчликдан иборат янги жамият пайдо бўлиши тўғрисидаги башоратларини тўла тасдиклади.

М. ЛУЦКИЙ,
профессор.

Дунёнинг мамлакатларида

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Халқ озодлик қуроллы кучлари қисмларидан бирида митинг ўтказилди. Озодлик армиясининг муваффақиятли ҳужумларидан руҳланган жангчилар тўла ва батамом ғалабага эришиш учун қатъий қарор берганликларини изҳор қилмоқдалар.

ВИА—ТАСС фотоси.

БУДАПЕШТ. Венгриянинг Андялфёльд ишчилар районидаги кемасозлик заводи ва кран заводи территориясида Владимир Ильич Ленинга ўрнатилган бюст ёнида фахрий қоровул турибди.

МТИ—ТАСС фотоси.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

⊙ АҚШ

НЬЮ—ЙОРК. Мемфисдаги кўчаларни супурувчи ишчиларнинг забастовкаси саккиз хафтадан буён давом этмоқда. 1.300 га яқин киши (буларнинг кўпчилиги негрлар) иш ҳақининг оширилишини ва ўз касаба союзининг шаҳар маъмурлари томонидан танилишини талаб қилмоқдалар.

Гавай оролларида ананас плантацияларининг ишчилари иш ташладилар. Меҳнаткашлардан 6. 500 га яқин киши иш ҳақининг оширилишини талаб этмоқда. Қарийиб икки ойдан буён давом этаётган забастовка натижасида плантация эгалари ўн миллион доллар зарар кўрди.

«НЬЮ-ЙОРК ТАЙМС» газетаси можарони бартараф қилиш юзасидан музокаралар бошлаш тўғрисида касаба союз ташкилотлари вакиллари билан корхона эгалари бир қарорга келганликларини ҳабар қилади.

⊙ ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ

БОННН. Германия Федератив Республикасида қимматчилик авж олаётганлиги муносабати билан Ғарбий Германиядаги энг йирик металлистлар касаба союзи металлистлар иш ҳақининг оширилишини талаб қилди. Бу касаба союз металлургия ва металл ишлаш саноатининг 3, 6 миллиондан ортиқ ишчи ва хизматчиларини бирлаштиради.

⊙ ИТАЛИЯ

РИМ. Италиядаги энг йирик ФИАТ автомобиль компанияси заводларида ўтган хафта ичида ишлар икки марта тўхтаб қолди. Бу заводларнинг ишчи ва хизматчилари иш ҳафтасини қисқартириш ва иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаш юзасидан забастовка эълон қилган эдилар.

«Серрамина» компаниясининг маъмурияти «Санта Лючиа» шахтасини ёпиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди. Неча юзлаб шахтёр ишчилар ва хизматчилар яқин кунларда ишдан бўшатилиши керак. Кальяри вилоятининг (Сардиния ороллари) Флумини-Маджор шаҳри аҳолиси (шахта шу шаҳарда жойлашган) корхона эгаларининг бебошлигига жавобан норозилик намойиши уюштирди. Ишчилар ва меҳнаткашлар шахталарни ва маъмурият биноларини ишғол қилдилар. Шаҳар меҳнаткашлари турли табақаларининг вакиллари кончилар билан бирдамлик юзасидан ўтказилган жуда катта митингда қатнашдилар. Улар маъмурият ўз қарорини қайтадан кўриб чиқмайдиган бўлса, шаҳарда умумий забастовка ўтказилади, дедилар.

Италия химия ва тамаки саноатининг меҳнаткашлари иш ҳақини ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш ва иш хафтасини қисқартириш тўғрисидаги ўз талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан стачка курашини бошлаб юбордилар.

(ТАСС).

Американинг «Поларис» ракеталари билан қуролланган сув ости кемаси француз балиқчилари тўрига «илиниб қолди»

●

Ғарбий Германия банки Афина хунтасига яна 13,5 миллион марка қарз берди

●

Вьетнам Демократик Республикаси осмонида агрессорларнинг 2827 самолёти уриб туширилди

●

Капитал мамлакатларида меҳнаткашлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқдалар

АҚШ АГРЕССИЯСИ ТЎХТАТИЛСИН

ХАНОЙ. АҚШ президенти Шимолий Вьетнамни «бомбардимон қилишни чеклаш» тўғрисида қарор қилганлиги муносабати билан Вьетнам Тинчликни Ҳимоя Килиш Комитети ҳамда Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги комитети эълон қилган баёнотда шундай дейилади: АҚШ империалистлари тинч музокаралар олиб бориш тўғрисида сафсатабозлик қилиш билан бир вақтда уруш ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Шимолий Вьетнамдаги аҳоли зич яшайдиган кўпгина районларни бомбардимон қилиш учун ҳамон самолётлар юбориб турибдилар, Жанубий Вьетнамга қўшимча қўшин юбормоқдалар.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг 3 апрелда берган баёнотини ҳар иккала комитет батамом қўллаб-қувватлайди. Биз, деб таъкидланади баёнотда. Америка империалистлари ВДРнинг бутун территориясида бомбардимон қилиш ва бошқа уруш ҳаракатларини ҳеч қандай шартсиз тўхтатишларини қатъий талаб қиламиз. Биз ер куррасидаги барча тинчликсевар халқларни Вьетнамдаги Америка агрессиясига қарши курашни кенгайтиришга чақирамиз.

(ТАСС).

ВДР ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 11 апрель. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам Халқ армиясининг ҳаво ҳужумида мудофаа қисмлари 9 апрелда Куангбинь вилоятида Америка самолётини уриб туширганлар. Аниқланган маълумотларга кўра, 6 апрелда шу вилоятнинг ўзида Американинг яна бир самолёти уриб туширилган.

Шундай қилиб, ВДР осмонида уриб туширилган Америка самолётларининг жами 2827 тага етган.

БОНН ХУНТАГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

БОННН. Ғарбий Германия фирмалари ва банклари Афина хунтаси режимига тобора кўп молиявий ёрдам бермоқда. Германия Федератив Республикасининг Греция—Ғарбий Германия бирлашмасига кирган бир канча фирмалари Афина ҳукуматига 76,5 миллион марка миқдорида қарз берди. Айни вақтда, Ғарбий Германия «Немис банки» Афинага яна 13,5 миллион марка миқдорида қарз берди. (ТАСС).

ИРЛАНДИЯ
денгизидаги можаро

ПАРИЖ. Ирландия денгизида балиқ овлаб юрган француз балиқчиларининг тўрига Американинг «Поларис» ракеталари билан қуролланган «Роберт Ли» сув ости кемаси «илиниб қолди». Француз балиқчиларининг траулерини бир канча вакт сув ости кемаси судраб юрди. Траулер командасига ўз кемаси мувозанатини сақлаш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келди.

Француз маъмурлари Америка элчихонасига мурожаат қилиб, балиқчиларга етказилган зарар учун товон тўлашни талаб қилдилар.

(ТАСС).

БЎЙИДАН ОЛИБ ЭНИГА...

МЕҲНАТКАШЛАР ҲИСОБИГА «МИЛЛИЙ ХАЛОСКОРЛИК»

ЛОНДОН, 11 апрель. (ТАСС мухбири Н. Туркатенко хабар беради): Англия ҳукумати Англиянинг иқтисодий аҳволини тузатиш зарурати баҳонаси билан 1968 — 1969 молия йили бюджетида мамлакатда турмуш даражасини пасайтириш сиёсатини эълон қилиб, шу сиёсатни амалга оширишни енгиллаштириш мақсадида бир қаҳ тадбирлар кўра бошлади. Ҳозирги кунда ҳукумат ўз олдига қўйган асосий вазифа Англия меҳнаткаш аҳлининг ҳаётий манфаатларига қилинаётган ҳужумга қарши лейбористлар партияси сўл қаноти билан кўпгина касаба союзлар раҳбарлари ва касаба союзлар аъзоларининг ўсиб бораётган қаршилигини енгишдан иборат. Бу ерда ҳисоблашларига кўра, яқинда айни шу мақсадни кўзлаб, ҳукумат состави қайта тузилди ва илгариги меҳнат министрлиги заминида иш билан банд бўлиш ва меҳнат унумдорлиги самаралари билан шуғулланувчи янги министрлик барпо қилинди. Меҳнат министрлигига бошчилик қилган ва меҳнат можароларида доимо корхона эгаларининг тарафини олиб, касаба союзларнинг оддий аъзолари олдида обрўси тушиб кетган ўнг касаба союз арбоби Гантер ўрнига Барбара Касл янги министрликка раҳбар қилиб тайинланди.

Сўнгги икки кун мобайнида бош министр қароргоҳида бош министр Вильсон, Барбара Касл, Британия тредюнионлар конгрессининг бош секретари Вудкок, Британия саноати конфедерациясининг президенти Ствин Браун иштирокида учрашувлар бўлиб ўтди. Бу ерда хабар беришларича, мана шу учрашувлар вақтида 1968—1969 йил бюджети тўғрисида оқ китобда бўлган моддаларни қонун тартибида мустаҳкамлашни кўзда тутган ҳукумат қонун лойиҳаларини умумпалатасига киритишга замин тайёрлаш учун ҳукумат Британия тредюнионлари конгресси ва Британия саноати конфедерацияси раҳбарлари ўртасида бир фикрга келиш режалари муҳокама қилинди. Бунда биринчи навбатда ҳукуматга бундан суён ҳам иш ҳақини «ҳар қандай асоссиз» оширишни таъқиқлаш ҳуқуқини берувчи моддалар кўзда тутилади.

Ҳукумат жамоатчилик фикрини ишлаб чиқар экан, мамлакат бошидан кечираётган иқтисодий ва молиявий қийинчиликларни, тўлов балансидаги доимий пассив қолдиқни ва чет эл банкларидан қарзларни тўлаш зарурлигини баҳона қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо, ҳукумат ўз «миллий халоскорлик» сиёсатини амалга оширишдаги барча оғирликни меҳнаткаш аҳоли зиммасига юклашга интилмоқда ҳамда саноатчилар ва молиячиларнинг манфаатларини зўр бериб ҳимоя қилмоқда.

Ҳукумат ҳарбий эҳтиёж харажатлари сингари Англия учун унумсиз ва оғир харажатларни қисқартириш юзасидан ҳам кескин чоралар кўрмаётир.

Айни шу сабабдан ҳам меҳнат аҳли «миллий халоскорлик» сиёсатини қўллаб-қувватламаяпти, аксинча, Ситидаги ишбилармонлар ва корхона эгалари бу сиёсатни тўла қувватламоқда. Масалан. Сити муниципал кенгашининг аъзоси Эдвард Хауэрд журналистлар билан суҳбатда очиқдан-очиқ: мамлакат кўпроқ ишламоғи ва одамлар ишнинг қадрига етмоқлари керак, касаба союзларни тизгинда тутиш керак, деган сўзларни айтди.

ИРОҚНИНГ ҚАРОРИ

БАҒДОД. Ироқ миллий компанияси правлениесининг Ироқ Республикаси президенти Абдул Раҳмон Ориф иштирокида ўтган мажлисида Ироқнинг жанубидаги Аррулмайле нефть конидан бевосита фойдалана бошлашга қарор қилинди.

Мажлис қатнашчилари бу нефть конини ишга тушириш ҳақида чет эл фирмалари таклифини қабул қилгандан кўра уни мамлакатнинг ўзи ишга тушириши Ироқ учун фойдали бўлади, деган фикрни маъқуллаб дилар.

Аррулмайледаги мамлакатда энг бой нефть конларидан бири «Ироқ петролеум компани» деган чет эл компаниясига қарашли асосий концессиялар бекор қилинган районга киради. (ТАСС).

АЖОЙИБОТЛАР... ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР...

СИМИТСОНИАН институтининг (АҚШ) ходими Юджин Островда жуда нодир коллекциялар бор. «Фотографиянинг отаси» Генри Талбот бундан 120 йил аввал туширган расмларнинг негативи унинг қўлидадир. Лекин вақт ўтиши билан негативдаги расмлар эскириб, йўқ бўлиб кетган. Остров ана шу негативларни қайта «тирилтириш» йўлларини топди: атом реактори ёрдамида негативни нурлантирди. Натижада нуқра атомлари радиоактивлашди. Негативда расмлар пайдо бўлди.

●

ИНГЛИЗ олимлари оддий газета қоғозида айрим ҳашаротларни ўлдирадиган модда — заҳар борлигини аниқладилар. Бу модда кимёгарлар иборасида билан «Қоғоз фактор» деб аталади. Бу қоғоз ёрдамида дарахтларни айрим ҳашаротлардан ҳимоя қилиш мумкин. Энтомологлар, «қоғоз фактори» моддаси дарахтнинг ўзидан чиқса керак, дарахт шу модда ёрдамида айрим ҳашаротлардан ўзини ҳимоя қилган, деган хулосага келдилар. Лекин одамлар ва ҳайвонлар учун бу модда зарарсиздир.

●

ОЛИМЛАР Адреатика денгизининг Кефал оролига яқин жойида катта ғор борлигини аниқладилар. Ҳар кеча-кундузда денгиз остидаги бу «йиртиқ»қа 30 минг тонна сув тушиб кетган экан. Бу сувнинг қаердан бориб чиқишини аниқлаш учун ғорга 130 килограммга яқин ҳар хил ранглар ташлашди. Лекин денгизнинг бирор бир еридан рангли сув чиқмаяпти. Ғор аввалгидек ҳозир ҳам ҳар кеча-кундузда 30 минг тонна сувни «ютиб» ётибди.

●

ОДАМЛАР ҳаётини страхование қилувчи Америка компаниялари чекмовчи кишилардан чекувчи кишиларга қараганда 30 процент кам аъзолик бадали ола бошладилар. Чунки статистиканинг кўп йиллик ҳисоб-китоблари, чекувчилар кўп яшамай, бу компанияларга кам фойда келтиришаётганини кўрсатиб турибди.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областларида ҳаво бир оз булутли бўлсада ёнғингарчилик бўлмайди, республиканинг қолган районларида ҳаво ўзгариб туради. Фақат Фарғона областининг айрим жойларида бир оз ёғингарчилик бўлади. 13-23. айрим жойларда 25 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди. 19-21 даража иссиқ бўлади.

Ўртоқ Раҳмонқул Қурбонович ҚУРБОНОВга

Азиз Раҳмонқул Қурбонович!

Сизнинг бошингизга тушган оғир мусибат —онангиз Тошой Қурбонованинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан Сизга таъзия билдириб, қаттиқ қайгураётганлигимизни изҳор қиламиз.

Ш. Рашидов, Ё. Насриддинова, В. Ломоносов, И. Анисимкин, Н. Ляшченко, Н. Матчонов, М. Мусахонов, Р. Нишонов, М. Абдураззоқов, С. Расулов, М. Турсунов, А. Абдалин, С. Азимов, Г. Габриельянц, С. Зиёдуллаев, И. Марцинюк, М. Мирзоаҳмедов, А. Хўжаев.

Редактор М. КОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 — Хаваскорлар концерти. 9.30 — Ғижжак тароналари. 10.10 — «Дугоналар» (радиожурнал). 11.15 — «Севимли асарлар» (концерт). 11.35 — Қўшиқлар (русча). 12.15 — Концерт (талабларга мувофиқ). 13.30 — Балетлардан куйлар (русча). 15.10 — «Правда» газетасининг обзори. 15.20—«Литература искусство Узбекистана» (радиожурнали). 16.10—Эстрада концерти. 17.20 — Уйғур куйлари. 18.00 — «Дўстлик қаҳида куйлаймиз» (концерт). 18,40 — Спорт. 19.20—Санъат усталарининг концерти. 20.00 — «Дугоналар» (такрорий эшиттириш). 21,00 —«Қардош социалистик мамлакатларда». 21.10 — «Қишлоқ радиоклубида». 22.20 — «Шанба оқшомида» (концерт). 23.10—Куйлар тинглаб дам оламиз.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)

10.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 11.00 — **Шанба, нонуштадан сўнг.** 11.40 — **Москва, Горький кўчаси** (ҳужжатли фильм). 12.30 — **Соғлом танда—соғ ақл** («Ёшлик» кўрсатади).

13.00 дан—**Москва кўрсатади**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 17.00 — **Телеянгиликлар** (русча).

Ўзбек тилида: 17.10 — **Қувноқ минутлар** (болалар учун). 17,40 — **Рассом Ян Розенталь** (кинофильм). 18 00 — **Олов қалбли кишилар** (ВЛКСМ нинг 50 йиллиги олдидан, «Ёшлик» кўрсатади). 18.50 — **Киносаёҳатчилар альманахи.** 19.30 — **Концерт.** 20.10 — **Телеянгиликлар.** 20.25 — **Кўрсатишлар программаси.**

20,30 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)

15.15 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.30 — **Шанба, нонуштадан сўнг** (такрорий эшиттириш). 21 10 — **Мафтунингман** (бадиий фильм). 22.35 — **Хаммаси қўшиқдан бошланади** (музикали эшиттириш).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

ДУШАНБА КУРСАТАДИ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 13/IV да **Марварид қидирувчилар,** 14/IV да кундуз **Жизель,** кечқурун **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/IV да **Сарвқомат дилбарим** (билетлар сотилган). 14/IV да кундуз **Қутлуғ қон,** кечқурун **Мудҳиш айбнома.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/IV да **Ўғил уйлантириш,** 14/IV да кундуз ва кечқурун **Қизбулоқ.**

КИНО

Анна Каренина — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Голгофа — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» — (кундуз соат 2, кеч 6,8 да).

Эрнак ва аёл—«ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (2-залда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Инки дил достони (кундуз 1.30, кеч 8.10 минутда, ўзбек тилида). Қасос (кундуз ва кечқурун): — НАВОИЙ номли.

РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ СЕМИНАР-КЕНГАШИ
15 апрель эрталаб соат 10 да ОЧИЛАДИ

Тошкент шаҳар, Октябрь район партия комитетининг мажлислар зали (Навоий кўчаси 11 уй).

Қатнашувчилар 14, 15 апрель эрталаб соат 9 дан кенгаш залида ва Давлат қурилиши комитети биносида (Навоий кўчаси, 18-уй) рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
1968-1969 ўқув йилининг 1-курс сиртқи бўлимига қуйидаги мутахассислар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Халқ хўжалигини планлаштириш, саноатни планлаштириш, қишлоқ хўжалигини планлаштириш, материал-техника таъминоти иқтисоди ва планлаштириш, меҳнат иқтисоди, бухгалтер ҳисоботи (саноатда, қишлоқ хўжалигида, савдо ва банкларда), **молия кредит, статистика.**

Ўқиш муддати — 5 йил.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Совет Армияси хизматидан бўшаб келганлар ва мутахассислик бўйича ишлаётган қишилар институтга кириш имтиёзлардан фойдаланадилар.

Кирувчилар ўрта мактаб программаси ҳажмида кириш имтиҳонларини мутахассислар бўйича

планлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ҳисоботи — рус тили ёки ўзбек тили ва адабиёти (иншо), **математика** (ёзма ва оғзаки), **химия** (оғзаки)дан топширадилар;

бошқа иқтисод мутахассисликларига — рус ёки ўзбек тили ва адабиёти (иншо), **математика** (ёзма ва оғзаки), **география** (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Институтга кириш ҳақида аризалар қабул комиссияси ва ўқув—консультация пунктлари томонидан 20 апрелдан 31 августгача қуйидаги иловаларга кабул қилинади:

Ўрта маълумотлилиги ҳақиги ҳужжат (асл нусха), таржимаи ҳол, 4-фотосурат (3х4), иш жойидан характеристика—тавсиянома ва справка, соғлиги ҳақидаги медицина справкаси (286 форма), турар жойидан справка, меҳнат дафтарчасидан кўчирма

Кириш имтиҳонлари — 15 майдан 10 сентябргача ўтказилади.

Ҳужжатлар қуйидаги адрес бўйича юборилади: Тошкент шаҳар. Олмазор кўчаси, 183 уй Телефонлар: 405-30, 4-18-43 қўшимча-57

Институтга кирувчилар қуйидаги ўқув консультация пунктларига мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳар, Фрунзе кўчаси, 70 уй;

Нунус шаҳар, Калинин кўчаси, 106 уй;

Андижон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 1-уй;

Қарши шаҳар, Кўчабоғ кўчаси, 17 уй;

Фарғона шаҳар, Коммунистлар кўчаси, 105 уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг маҳаллий комитет аппарати ва партия ташкилоти, ишлар бошқармаси коллективи Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қ. Қурбоновга онаси

Тошой ҚУРБОНОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Қашқадарё область комитети, область ижроия комитети ва Қарши шаҳар комитети ҳамда шаҳар ижроия комитети, шунингдек Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштириш бошқармаси «Каршистрой» маъмурияти, партия ташкилоти ва бирлашган қурилиш комитети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қ. Қурбоновга онаси

Тошой ҚУРБОНОВАНИНГ

оғир касалликдан сўнг шу йил 12 апрелда вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг коллективи катта иқтисодчи

Маҳфуза АЪЗАМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37253. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85. Бухоро 31—41. Қарши 3—08. Нукус 42—62. Самарқанд 31972. Термиз 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34—55

Б. № — 87. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 10118.